# “YANGI O‘ZBEKISTONDA BIZNESNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI”

respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallar to‘plami

**2025-YIL 28-OKTYABR**






**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**“INTERNATIONAL SCHOOL OF FINANCE TECHNOLOGY AND SCIENCE” INSTITUTI**

# “YANGI O‘ZBEKISTONDA BIZNESNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI”

**2025-yil 28-oktyabr**

---

# “АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ БИЗНЕСА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ”

**28 октября 2025 года**

---

# “TOPICAL ISSUES OF BUSINESS DEVELOPMENT IN NEW UZBEKISTAN”

**October 28, 2025**

**Toshkent 2025**

Yangi O‘zbekistonda biznesni rivojlantirishning dolzarb masalalari: Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari (28-oktyabr 2025-yil). – Toshkent: International School of Finance Technology and Science (ISFT), 2025. – 349 b.

**Nashr etishda qatnashganlar:**

*Xudaybergenov Bexzod, Shovdirov Toxirmalik, Usmonjonov Muhammadali, Abduhakimov Azmiddin*

**Tahririyat hay’ati a’zolari**

| | |
|---|---|
| ***G‘ulomov Ibroxim Rustam o‘g‘li*** | *ISFT rektori v.b.* |
| ***Azizov Tuxtamish A‘zamovich*** | *ISFT instituti Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektori, siyosiy fanlar bo‘yicha falsafa doktori, dotsent* |
| ***Jo‘rayev Narzulla Qosimovich*** | *ISFT instituti Gumanitar va tabiiy fanlar kafedrasi professori,siyosiy fanlar doktori* |
| ***Usmonov Adxamjon A’zamjonovich*** | *ISFT instituti Menejment kafedrasi mudiri, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)* |
| ***Yuldasheva Kamola Miraliyevna*** | *ISFT instituti Menejment kafedrasi PhD-katta o‘qituvchisi* |
| ***Abdusattorov Sarvar Shokirovich*** | *ISFT instituti Menejment kafedrasi PhD-katta o‘qituvchisi* |
| ***Najmiddinov Tolibjon Xolmirzayevich*** | *ISFT instituti Kengash kotibi* |
| ***Manukyan Feruza Toraxanovna*** | *ISFT instituti Magistratura bo‘limi boshlig‘i* |

Mazkur ilmiy to‘plamda Yangi O‘zbekiston sharoitida biznesni rivojlantirishning dolzarb masalalari, tadbirkorlik faoliyatini takomillashtirish va korporativ boshqaruv samaradorligini oshirishga oid ilmiy maqolalar jamlangan. Unda mamlakatda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar, kichik va o‘rta biznesni qo‘llab-quvvatlash, investitsion muhitni yaxshilash hamda iqtisodiy o‘sishning barqaror mexanizmlarini shakllantirish masalalari tahlil etilgan. Shuningdek, biznesni rivojlantirishda innovatsion yondashuvlarning o‘rni, hududiy iqtisodiy salohiyatni oshirish, eksportni kengaytirish va raqobatbardosh iqtisodiyot barpo etish yo‘llari bo‘yicha ilmiy-amaliy tavsiyalar bayon etilgan. Mazkur to‘plam tadqiqotchilar, olimlar va mutaxassislar uchun O‘zbekiston iqtisodiyotining yangi bosqichdagi rivojlanish yo‘nalishlarini chuqur tahlil qilishga xizmat qiladi.

Mazkur to‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuni, undagi statistik ma’lumotlar va me’yoriy hujjatlar sanasining to‘g‘riligiga hamda fikr-mulohazalarga mualliflarning o‘zlari ma’suldirlar.

Konferensiya o‘tkazilishi O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024-yil 27-dekabrdagi 490-sonli buyrug‘i bilan ma’qullangan.

# MUNDARIJA

## I SHO‘BA. YANGI O‘ZBEKISTONDA KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIKNINING TASHKILIY-HUQUQIY ASOSLARI

**Xudaybergenov Bexzod.** To‘lovga qobiliyatsiz korxonalar reabilitatsiyasi va bankrotligining huquqiy jihatlari . . . . . 12

**Xamdamov Amriddin.** Yangi o‘zbekistonda kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy asoslari . . . . . 17

**Atajanov Xamdambek.** O‘zbekiston respublikasi korporativ qonunchiligida so‘nggi islohotlar: asosiy tendensiya va masalalar. . . . . 23

**Makhmudova Zebiniso, Raimova Nargiza.** Organizational and legal framework for intellectual property management within small business entities . . . . . 26

**Aminov Mirobbos.** Davlat–xususiy sheriklik: davlatning iqtisodiy funksiyasini amalga oshirishdagi huquqiy asoslar va nazariy tendensiyalar . . . . . 32

**Rahmonali Obidov.** Yangi o‘zbekistonni rivojlantirishda korxonalarning daromadlar va harajatlar hisobini takomillashtirish . . . . . 35

**Салимова Диёрахон.** Правовые инструменты и политика регулирования рынка авиаперевозок . . . . . 39

**Abdihakimov Samandar.** Biznesni rivojlantirishda korporativ nizolarni sudgacha hal qilishning o‘ziga xos xususiyatlari . . . . . .44

**Xaydarova Shoxista.** Yangi o‘zbekistonda kichik biznes va tadbirkorliknining tashkiliy-huquqiy asoslari . . . . . 48

**Raimova Nargiza.** Evolution of information law in the context of contemporary society . . . . . 53

**Амирова Динора.** Возможности эффективного развития туристических предприятий в регионах . . . . . 59

**Usmonova Mahliyo.** Yangi O‘zbekiston sharoitida tadbirkorlik erkinligini ta’minlashning huquqiy kafolatlari . . . . . 65

**Ergashova Nilufar.** Yangi o‘zbekistonda kichik biznes va tadbirkorlikning tashkiliy-huquqiy asoslari . . . . . .67

## II SHO‘BA. KORPOROTIV MUNOSABATLARNI TARTIBGA SOLISHNING ZAMONAVIY YO‘NALISHLARI

**Rasul Salayev, Muyassar Davlatova**. Tijorat banklarida kvant texnologiyalarini qo‘llash orqali pul muomalasini takomillashtirish . . . . . .72

**Mo‘minov Shohijahon.** Introduction of international practice in activating the participation of joint-stock companies in the capital market . . . . . 75

**Muhammadjonov Shohinur.** Korporativ munosabatlarni tartibga solishning zamonaviy yondashuvlari . . . . . 79

**Taylanova Shohida, Ubayeva Nodira.** Biznes ta’limida kommunikativ kompetensiya va sun'iy intellektning ahamiyati . . . . . 82

## III SHO‘BA BIZNESNI RIVOJLANTIRISH VA BOSHQARISHNING IQTISODIY MASALALARI

**Muftaydinov Mansur.** Biznesni rivojlantirish va boshqarishning iqtisodiy va moliyaviy masalalari . . . . . 88

**Nurimbetov Ravshan, Usmonov Adxamjon.** Tashkilotda xodimlarni boshqarish tizimini takomillashtirish va boshqaruv faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari . . . . . .94

**Xamdamov Omonullo.** Aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy menejment mexanizmini takomillashtirishning ilmiy asoslari . . . . . .98

**Uktamov Xusniddin.** O‘zbekistonda oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashda yashil texnologiyalarni joriy etish tizmini takomillashtrish . . .. . . . . . 103

**Яҳёев Тўлқин.** Қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда зарарсизлик нуқтаси ҳамда кўзланган фойдага чиқиш нуқтаси бўйича бажарилиши лозим бўлган хизмат кўрсатиш ҳажми таҳлили методологиясини такомиллаштириш. . . . . .107

**Aziz Muxammadqulov.** O‘zbekistonda uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasini strategik rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish yoshlar nuqtayi nazaridan. . . . . .111

**Xatamov Abror.** Ixtisoslashtirilgan savdo majmualari faoliyatini rivojlantirishning iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish . . . . . .118

**Vafoyeva Dilafruz.** O‘zbekistonda xususiy sektor tashkilotlarining faoliyati: Xalqaro buxgalteriya tizimini joriy qilishning ahamiyati . . . . . .122

**Abdullaeva Shakhnoza.** Social and financial policy in practice: stages and strategies . . . . . 126

**Рафикова Зиёдахон.** Янги Ўзбекистонда бизнесни ривожлантиришда раҳбар кадрлар салоҳиятини баҳолаш мезонлари. . . . . .136

**Maxmudova Nargiza.** Accounting of intellectual property objects: a structured approach. . . . . .145

**Абдусатторов Сарвар**. Хусусий даволаш муссасалари фаолиятини бошқаришда ахборот технологияларни қўлланилиши . . . . . 148

**Shovdirov Toxirmalik Nafasovich.** Biznes strategiyasini shakllantirishda ichki va tashqi omillarning roli: nazariy va amaliy tahlil . . . . . 154

**Махмудов Суннатжон.** Экономические механизмы совершенствования системы управления на предприятиях . . . . . .160

**Эрназаров Ортиқ, Мусинов Зокир, Хўжабекова Фароғат.** Бизнесни ривожлантириш ва бошқариш самарадорлигини оширишда инсон капиталининг ўрни . . . . . 166

**Baxtiyorova Dildora.** Biznesni rivojlantirish va boshqarishning iqtisodiy hamda raqamli masalalari . . . . . 174

**Xusanova Dilorom, Tolipova Dilorom.** Kichik biznes subyektlarida boshqaruv va menejment tizimini takomillashtirish . . . . . 180

**Ernazarov Ortik, Musinov Zokir**. Improving the role of educational services in business development . . . . . .185

**Mangliyev Bexzod.** Raqamli iqtisodiyot sharoitida innovatsion menejment va biznes modeli integratsiyasi . . . . . 191

**Xusanova Dilorom.** Biznes faoliyatini uzoq muddatli moliyalashtirishda investitsion resurslardan samarali foydalanish . . . . . 196

**Mansurov Saidxo‘ja**. indicators of business management effectiveness and methods for their determination . . . . . 202

**G‘afurov Iskandar**. Mikromoliya tashkilotlarida ichki auditning xalqaro standartlarga mos ichki audit mezonlari . . . . . 210

**Фахриддинова Сарвиноз.** Эконометрический анализ сезонности в туризме . . . . . 216

**Urinboyev Abrorbek.** Kichik bisnes subyektlarini kreditlashda bank risklarini boshqarishni takomillashtirish. . . . . .220

**Рахматов Бахриддин. Бурибоев Рахматжон.** Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш . . . . . 223

**Kosimova Nargiza.** Biznesni rivojlantirish va boshqarishning psixologik xususiyatlari . . . . . 227

**Xo‘jabekova Farog‘at.** Davlat moliyaviy nazoratida xalqaro tajribalarni o‘zbekistonga moslashtirish imkoniyatlari . . . . . 231

**Abdulxofiz Jamshid, Ashur Ali Rustam.** Biznes samaradorligini oshirishda innovatsion boshqaruv usullarining roli . . . . . 237

**Normamatova Malika**. Raqamli iqtisodiyot sharoitida biznesni boshqarish . . . . 240

## IV SHO‘BA. BIZNESNI RIVOJLANTIRISHNING O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTIGA TA’SIRI.

**Abduraximov Muzaffar.** Yangi O‘zbekistonda biznesni rivojlantirishning dolzarb masalalari . . . . . 244

**Ochilov Ilyos.** Digital revolution in the insurance sector: Integration of artificial intelligence in Uzbekistan and strategic achievements and risks in global markets. . . . . 247

**Jo‘rayev Ilhomjon.** Mamlakat iqtisodiy o‘sishini ta’minlashda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o‘rni . . . . . .253

**Xalilov Sherzod.** O‘zbekistonda uglerod chiqindilarini buxgalteriya hisobiga integratsiya qilish: Global dekarbonizatsiya tajribalari va Yevropa Ittifoqining GHG yondashuvindan saboqlar . . . . . 257

**Абдуллаева Зульфия.** Развитие инноваций в малом бизнесе и предпринимательстве в условиях экономической модернизации Узбекистана . . . . . .261

**Baratov Sa’dulla, Jo‘rayev Behzod.** Davlat aktivlarini xususiylashtirish jarayonining investitsiya muhitiga ta’siri . . . . . 267

**Mamasoatov Dilshod.** Yangi o‘zbekistonda kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish . . . . . 272

**Xusanova Dilorom, Musulmonova Sohiba.** Onlayn savdo tizimlarining iqtisodiy o‘sishga ta‘siri . . . . . .277

**Xalilov Bekzod.** Korxonalar boshqaruv faoliyatida Axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish samaradorligi va muammolari . . . . . 285

**Rustamov Sarvar.** Yashil iqtisodiyotga o‘tishda barqaror iqtisodiyot o‘sishini ta’minlash yo‘nalishlari . . . . . 289

**Norqobilova Feruza, Xoliyorova Hilola.** Katta ma’lumotlar va mashinali o‘rganish: iqtisodiy tahlilning yangi paradigmasi . . . . . 297

**Xamdamov Amriddin, Osqarov Nurmuhammad.** Raqamli iqtisodiyot sharoitida biznesni rivojlantirishning o‘zbekiston iqtisodiyotiga ta’sirini baholash . . . . . 301

**Sadriddinov Ulug‘bek.** Eksport diversifikatsiyasiga AKT va inson kapitalining qo‘shimcha ta’siri: sobiq sovet davlatlari misolida . . . . . 306

**Abdullayev Axrorjon.** O‘zbekistonda biznesni rivojlantirish va jahon savdo tashkilotiga qo‘shilish jarayonining milliy iqtisodiyotga ta’siri . . . . . 312

**Xurshida Mamatkulova.** O‘zbekiston Respublikasi Surxondaryo viloyati misolida biznesni rivojlantirish orqali aholi daromadlarini oshirish va GINI indeksi tahlili. . . . . .316

**Uktamov Fazliddin.** O‘zbekistonda mahalliy byudjetni moliyaviy xavfsizligini ta'minlash mexanizmi . . . . . 320

**Anorqulova Mastura.** The impact of business development on uzbekistan’s economy . . . . . 324

**Raimov Farrux.** Aksiyadorlar bilan manfaatli munosabatlar: aksiyalar bozorining o‘ziga xos-xususiyatlari . . . . . 326

**Abdukaimov Shaxzod.** Markaziy bank va bank tizimi orqali inflatsiyani boshqarish: iqtisodiyotni barqarorlashtirishda monetar siyosatning o‘rni . . . . . 330

**Xasanova Nigora.** O‘zbekistonda ekologik turizmni rivojlantirishning nazariy asoslari . . . . . 334

**Qudratov Doniyor.** Startap bizneslarini rivojlantirishning iqtisodiy omillari . . . 338

**Abrorov Azizjon.** Biznesni rivojlantirishning o‘zbekiston iqtisodiyotiga ta’siri . . . . . .341

**Qodirov Iskandar.** Yangi O‘zbekistonda biznesni rivojlantirishning dolzarb masalalari . . . . . 345

6. Полухин А.А. Организационно-экономический механизм модернизации селского хозяйства России/ А.А. Полухин// Аграрная Россия. – 2012 - №5 с. 23-29

7. Turg’unov, M. (2021). Issues of innovative approach and financing of innovative projects in rapid

# ҚУРИЛИШ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ КОРХОНАЛАРДА ЗАРАРСИЗЛИК НУҚТАСИ ҲАМДА КЎЗЛАНГАН ФОЙДАГА ЧИҚИШ НУҚТАСИ БЎЙИЧА БАЖАРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲАЖМИ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***Яҳёев Тўлқин Исматулла ўғли***
*СамИСИ доцент в.б.*

**Аннотация.** Ушбу мақолада қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда зарарсизлик нуқтасини аниқлаш, унга омиллар таъсирини баҳолаш ҳамда кўзда тутилган фойдага чиқиш нуқтаси бўйича ишланмалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** қурилиш хизматлари, самара, самарадорлик, қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналар самарадорлиги, критик нуқта, кўзда тутилган фойда миқдори.

**Abstract.** This article presents methodological approaches to determining the break-even point in construction service enterprises, evaluating the impact of relevant factors on it, and calculating the target profit point.

**Keywords:** construction services, effect, efficiency, efficiency of construction service enterprises, break-even point, planned profit amount.

**Аннотация.** В данной статье представлены разработки по определению точки безубыточности в предприятиях, оказывающих строительные услуги, оценке влияния факторов на неё, а также расчёту точки выхода на планируемую прибыль.

**Ключевые слова:** строительные услуги, эффект, эффективность, эффективность предприятий, оказывающих строительные услуги, критическая точка, величина планируемой прибыли.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона ўз фаолиятини самарали ташкил этиш, зарарсиз ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаш ва иқтисодий таваккалчилик даражасини аниқлашга интилади. Шу нуқтаи назардан **критик нуқта** (ёки **тафовутсизлик нуқтаси**, “break-even

point”) тушунчаси корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт манбалари таҳлили, қурилиш соҳасида фундаментал тадқиқотлар қаторида И.С.Степанова [1], Аренс Е.А. [2], ДЖ.К. Лоббек [3], Серов В.М. [4] , Гурков И.Б [5] сингари хорижий олимларнинг, М.К.Пардаев[6], Н.Т.Тухлиев [7], Е.В.Голешева [8], М. Мирахмедов [9], А.А.Ештаев [10], К.Б.Уразов [11], сингари маҳаллий иқтисодчи олимларнинг қурилиш соҳасидаги турли масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Мақоладага қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда зарарсизлик нуқтасини тадқиқ қилишда макон ва замон, индукция ва дедукция, шакл ва мазмун, миқдор ва сифат, мантиқий ёндошув, омилли таҳлил, математик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Критик нуқта корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан даромад ва харажатлар ўртасидаги муносабатни таҳлил қилиш имконини беради. Ушбу нуқтани аниқлаш орқали корхона ўз фаолиятида қайси ҳажмда ишлаб чиқариш орқали фойдага эришишини ва қайси чегарада зарар юзага келишини олдиндан белгилай олади. Бу эса хусусан хизмат кўрсатиш, савдо ва ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари учун стратегик аҳамиятга эга ҳисобланади.




**1-расм.Критик нуқтанинг амалий аҳамияти**


Критик нуқтанинг амалий аҳамияти шундаки, у корхонанинг фаолият самарадорлигини таъминлайди, бошқарув қарорларини илмий асослайди ва таваккалчиликни камайтиради. Шу сабабли, ҳар бир корхона ўз ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида критик нуқтани мунтазам таҳлил қилиб бориши зарур.

Шу билан бирга корхоналарда критик нуқта таҳлилини қуйидаги йўналишларда ҳам қўлланилади (2-расм).

Корхона фаолиятида молиявий барқарорликни таъминлашда критик нуқта таҳлили орқали корхона ўзининг фойда ва зарар чегарасини аниқ белгилайди. Бу корхонага жорий фаолиятда молиявий барқарорликни сақлаш ва зарар келтирувчи ишлаб чиқариш ҳажмидан қочиш имконини беради.

Режалаштириш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда критик нуқта таҳлили ишлаб чиқариш ҳажмини режалаштириш, нарх сиёсати, хизмат турларини танлаш ва харжатларни оптималлаштириш каби қарорларни илмий асосда қабул қилишга ёрдам беради.

Таваккалчиликни камайтиришда критик нуқта таҳлили корхонага хавфсизлик захираси (margin of safety)ни аниқлаш имконини беради. Бу кўрсаткич фаолият ҳажми қанчагача камайганда ҳам корхона зарарсиз ишлай олишини кўрсатади.




**2-расм. Критик нуқта таҳлили қўлланиладиган йўналишлар**

Харажатларни таҳлил қилиш ва оптималлаштиришда критик нуқта орқали корхона харажатларининг тузилишини таҳлил қилади: қайси қисми доимий, қайси қисми ўзгарувчан эканлигини аниқлайди. Бу маълумотлар асосида харажатларни камайтириш ва фойда маржасини ошириш чоралари ишлаб чиқилади.

Инвестиция ва рентабеллик таҳлилида инвестиция лойиҳаларини баҳолашда критик нуқта катта аҳамиятга эга, чунки у лойиҳанинг “зарарсиз ишлаш чегараси”ни кўрсатади. Агар критик нуқта жуда юқори бўлса, бу таваккалчилик даражаси юқори эканлигини англатади.

Хизмат соҳасида амалий қўлланилишида хизмат кўрсатиш соҳаларида (масалан, туризм, таълим, ресторан бизнеси) критик нуқта таҳлили орқали хизматлар ҳажми, баҳолар ва харажатлар ўртасидаги мувозанат сақланади. Бу

соҳаларда мавсумийлик омилларини ҳисобга олиб, зарарсиз фаолият ҳажми аниқланади.

Қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда критик нуқта бу корхона томонидан маълум ҳисобот даврида қанча хизмат кўрсатилса барча харажатларни қоплаб зарарсизлик нуқтасига эришишини англатади.

Қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда доимий харажатлар, ўзгарувчан харажатлар ҳамда хизматнинг сотиш баҳолари бошқа фаолият турларидан маълум хусусиятларига кўра фарқланади.

Қурилиш соҳасининг бошқа тармоқладан алоҳида хусусиятлари шундан иборатки қурилишда сотиш баҳоси ўзгаришсиз қолиб, хизмат кўрсатиш жараёни узоқ вақт давом этиши нуқтаи назаридан бир бирлик кўрсатилган хизмат ҳажмига тўғри келадиган ўзгарувчан харажат ҳажми ҳам узлуксиз ҳаракатда бўлади.

Ушбу жиҳатлар инобатга олиниб қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда критик нуқтани аниқлашда қуйидаги методология таклиф қилинди.




**3-расм. Қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда критик нуқтани аниқлаш усуллари**

Натура шаклидаги иш ҳажми нуқтаи назаридан қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда қанча миқдарда яни қанча метр квадрат қурилиш хизматлари кўрсатилганда корхонанинг барча харажатлари қопланиб даромадлари ҳамда харажатлари тенглашишини ифодалаб беради ва қуйидаги тартибда аниқланади.

$$KN_N = \frac{DX}{SB - O'X}$$

KNn – қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда бажариладиган ҳар бир метр квадрат бўйича критик нуқта ҳажми;

DX – қурилиш хизматларини кўрсатувчи корхоналарда маълум ҳисобот давридаги доимий харажатлар йиғиндиси;

O’X – ҳар бир мерт квадратга тўғри келадиган ўзгарувчан харажат миқдори;

SB – ҳар бир метр квадрат кўрсатилган хизматнинг сотиш баҳоси.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Жўраев Ш.Ж. “*Иқтисодий таҳлил асослари”.* Тошкент: Молия нашриёти, 2018.
2. Раҳимов Н.Р., Юнусов Ш.М. “*Корхона фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш*”. Тошкент: Иқтисод-Молия, 2020.
3. Ҳамидов А.Х. “*Иқтисодий таҳлил назарияси ва амалиёти*” Тошкент: Иқтисодиёт, 2017.
4. Савицкая Г.В. “*Анализ хозяйственной деятельности предприятия*”. Минск: Новое знание, 2019.
5. Шеремет А.Д. “*Теория экономического анализа*”. Москва: Инфра-М, 2020.
6. Любушин Н.П., Воронкова Л.П. “*Анализ финансово-экономической деятельности предприятия*”. Москва: Юрайт, 2021.
7. Robert M. Grant “*Contemporary Strategy Analysis*”. Wiley, 2021.
8. Damodaran, A. “*Applied Corporate Finance*”. Wiley, 2020.

## O‘ZBEKISTONDA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI SOHASINI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH YOSHLAR NUQTAYI NAZARIDAN.

***Aziz Muxammadqulov Ixtiyor o‘g‘li***
*Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi bosh mutaxassisi*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada O‘zbekistonning uy-joy kommunal xo‘jaligi (UYKX) sohasidagi so‘nggi islohotlar, muammolar va yoshlar ishtirokini kuchaytirishga mo‘ljallangan strategik mexanizmlar tahlil qilinadi. Maqolada 2024-2025 yillardagi mahalliy qonunchilik, davlat siyosati, shuningdek, xorijiy mamlakatlardagi amaliy misollar (Norvegiya, Janubiy Koreya, Estoniya) tadqiqot asosida solishtirma tahlil beriladi. Yoshlar innovatsiyasi, raqamli texnologiyalar, shaffoflik va javobgarlik kabi elementlar asosida taklif etiladigan strategik model ishlab chiqiladi. Maqola natijalari O‘zbekiston sharoitida yoshlar tarafidan taklif qilingan mexanizmlarning samarali qo‘llanilishiga yo‘l ochadi.

**Kalit so‘zlar:** uy-joy kommunal xo‘jaligi, strategik rivojlantirish, yoshlarning ishtiroki, raqamlashtirish, shaffoflik, energiya samaradorligi, xorijiy tajriba.